

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА БАНК КАРТАЛАРИНИ ФОЙДАЛАНИШГА ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА _____ - СОНЛИ ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри

201__ йил «__» _____

ХАТБ “Туркистон” (кейинчалик «Банк» деб аталувчи) номидан Низом ва 13.02.2018 йилдаги 32-и/ч-сонли Буйруқ асосида фаолият юритувчи Амалиёт бошқармаси бошлиғи ўринбосари Турдибаев А.А. бир томондан ва фуқаро _____

(жисмоний шахсининг исми, фамилияси ва отасининг исми тўлиқ)

(бундан кейин матида «Пластик карта эгаси», деб аталувчи) иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Асосий тушунчалар

- 1.1. “Банк картаси”** – Пластик карта эгасига карта ҳисобварағи бўйича амалиётлар ўтказиш имкониятини, жумладан нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказишни таъминловчи тўлов картасид ир;
- 1.2. "Банк карта эгаси"** (*бундан кейин “Пластик карта эгаси”*) – эмитент–банкнинг банк картасини фойдаланиш учун олган ва банк картаси орқали тўлов амалиётларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мижоз, жисмоний шахс. Банк картаси фойдаланиш учун берилади ва банкнинг мулк ҳисобланади. Банк картаси муддати тугагач уни муддатини узайтириш, янғисига алмаштириш ёки банкка қайтарилиши мумкин;
- 1.3. “Эмитент” (*бундан кейин “Банк”*) – Банк карталари эмиссиясини амалга оширувчи, ўзи томонидан эмиссия қилинган банк карталарига нисбатан эгалик ҳуқуқига эга бўлган ва улар томонидан банк карталаридан фойдаланиб тўлаш ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича пластик карта эгалари ва эквайерлар олдида ўз номидан мажбуриятларга эга бўлган банк;
- 1.4. “Банк (*хизмат кўрсатувчи банк*)” – Савдо ва хизмат кўрсатиш объекллари билан шартномавий муносабатларга эга бўлган, улардан пластик карталардан фойдаланиб амалга оширилган транзакциялар тўғрисидаги маълумотларни қабул қилувчи, уларга маълумотларни ўзаро алмашишнинг тегишли тизимини йўналтирувчи ҳамда ушбу транзакциялар бўйича ҳисоб-китобларни савдо ва хизмат кўрсатиш объекллари билан тузилган шартномаларга кўра амалга оширувчи кредит-молия муассасаси;
- 1.5. “Транзакция” – Пластик карта эгаси карта ҳисобварағини дебет қилишга олиб келувчи пластик карта эгаси томонидан нақдсиз амалга ошириладиган амалиётлар;
- 1.6. “БПКХ” – Пластик карта эгаси номига банкда очилган банк пластик картаси ҳисобварағини англатади.
- 1.7. “Шартнома” – Банк картасидан фойдаланиш ҳақида банк ва пластик карта эгаси ўртасидаги шартнома.
- 1.8. “Савдо ва хизмат кўрсатиш объекллари” - мулкчилик шаклларидан, сотув ҳажмидан, иншоотнинг ўлчамидан ва ҳоказолардан қатъий назар, терминаллар орқали товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишга мўлжалланган (мослаштирилган) жой ёки иншоот;
- 1.9. “ПИН-код” – Пластик карта эгаси пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи шахсий идентификация рақами;
- 1.10. “Стоп лист”– процесснинг маркази томонидан шакллантириладиган ва доимий янгиланиб турадиган йўқолган ёки банк томонидан ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш вақтинча тўхтатиб турилган ёки бутунлай тўхтатилган банк карталари рўйхати;
- 1.11. “Тўловни коммуникацион бекор қилиш” - Савдо ва хизмат кўрсатиш объеклларида банк карталаридан фойдаланиб амалга оширилган лекин ўтмаган тўловларни коммуникацион автоматик бекор қилиш.

2. Шартнома предмети

2.1. Ушбу шартнома пластик карта ёрдамида ҳисоб-китоб қилиш, хизмат кўрсатиш, жумладан товарлар, хизматлар учун (савдо терминаллар орқали, хар хил хизматлар учун банккомат ва инфокиосклар орқали) тўловларни амалга оширишни, банк картаси бўйича сўров маълумотларини олишни, масофадан туриб амалиётлар бажаришни ҳамда банк ва пластик карта эгаси ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади.

3. Банкнинг мажбуриятлари

- 3.1. Банк қуйидаги мажбуриятларни олади:
 - 3.1.1. Жисмоний шахсларнинг банк картасини очиш учун берган ёзма аризаларини кўриб чиқиб, аризалар асосида тузилган шартномаларга асосан банк карталарини бериш;
 - 3.1.2. Пластик карта эгасига қарточкадан фойдаланиш қондалари, амалиётларини ўтказиш бўйича пластик карта эгаси ва банкнинг жавобгарлик чегараси тўғрисида ахборотни бериш;
 - 3.1.3. Фойдаланиш учун банк картасини 3 (уч) банк иш кунида муомалага чиқариш (айрим асослантирувчи ҳолатларда 5 (беш) банк иш кунигача);
 - 3.1.4. Тегишли тўлов ҳужжати тушган кундан 3 (уч) банк иш кунидан кечиктирмасдан тушган пул маблағларини банк пластик карта ҳисобварағига қиритиб қўйиш (ойлик иш ҳақи лойиҳаси 1 (бир) банк иш кунида). Агар пул маблағларини банк пластик карта ҳисобварағига ўтказиш дам олиш ёки байрам кунларига тўғри келса, пул маблағларини ўтказиш кейинги иш кунида амалга оширилади;
 - 3.1.5. Пластик карта эгаси банк картаси йўқолганлиги, ўғирланганлиги ёки берухсат фойдаланилганлиги тўғрисида ёзма хабар (ариза) берганида БПКХни зудлик билан таъқиққа қўйиш чораларини кўради;
 - 3.1.6. Пластик карта эгасининг ёзма аризасига асосан банк карта ҳисобварағи ёпилганда, 3 (уч) банк иш кунидан кейин ҳисобрақамда мавжуд бўлган пул маблағларини бошқа ҳисобвараққа ўтказиш орқали пластик карта эгасига қайтариш;
 - 3.1.7. Пластик карта эгасининг ёзма аризасига асосан пластик карта ҳисобварағи бўйича маълумот ва айланмаларни банкнинг амалдаги тарифида белгиланган тўловлар асосида тақдим этиш;

3.1.8. Пластик карта эгасига тегишли банк сирини ташкил қилувчи маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслик, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

4. Банкнинг ҳуқуқлари

- 4.1. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:
 - 4.1.1. Банк картасини жисмоний шахсларга уларнинг ёзма аризаларига кўра тузиладиган шартномаларга асосан бериш;
 - 4.1.2. Мижоз томонидан БПКХга ўтказилаётган маблағларнинг асослилигини ўрганиш;
 - 4.1.3. Амалдаги банк тарифига бир томонлама ўзгартириш қиритиш ҳамда банк тарифи ўзгаргани тўғрисида тариф қуага кирганидан сўнг банк эълонлар бурчагида эълон жойлаштирган ҳолда пластик карта эгасига маълум қилиш;
 - 4.1.4. Пластик карта эгасидан банк картаси билан бирга унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини талаб қилиш;
 - 4.1.5. Банк картаси орқали амалга оширилган дебет ва кредит амалиётлари учун амалдаги тарифга асосан (агар банк тарифида назарда тутилган бўлса) комиссиян муқофот ундириш;
 - 4.1.6. Банк зарур ҳолларда ўтказилаётган операция ҳақидаги қўшимча маълумотлар юзасидан пластик карта эгасига мурожаат қилишга ҳақли.
 - 4.1.7. Банк тақдим қилинган ҳужжатлар нусхаларининг тўғрилигига гумон ёки бошқа зарурат пайдо бўлган тақдирда, ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим қилинишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.
 - 4.1.8. Пластик карта эгаси томонидан идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаганда, атайин нотўғри бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда ёки қонун ҳужжатлари мувофиқ сўраладиган ҳужжатларни тақдим этилмаганда ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда мазкур операцияларни бажаришни тўхтатиб туришга ёки уларни амалга оширишни рад этишга (жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга қиритиш операциялари бундан мустасно) ҳақли.

5. Пластик карта эгасининг мажбуриятлари

- 5.1. Пластик карта эгаси ўзига қуйидаги мажбуриятларни олади:
 - 5.1.1. Мазкур шартноманининг барча шартларига тўлиқ риоя қилиш;
 - 5.1.2. Банк пластик карта ҳисобварағини очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:
 - а) Банк пластик карта ҳисобварағини очиш тўғрисидаги ёзма аризаси;
 - б) шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки ҳарбий гувоҳнома);
 - 5.1.3. Банк картасини шахсан олганда унга ўзининг ПИН-қодини ўрнатиш (*Пластик карта эгаси томонидан ПИН-код ўрнатилганда бир хил бўлмаган 4 (тўрт) хонали сондан кўп ва кам бўлмаслиги лозим*);
 - 5.1.4. Банк картасига ўрнатилган ПИН-қодини бошқа шахсларга ошкор қилмаслик (*Бошқа шахслар пластик карта эгасининг банк картаси ПИН-қодини тўғри териб фойдаланганда, пластик карта эгаси бошқа шахсларга банк картасидан фойдаланишга руҳсат берган деб ҳисобланади*);
 - 5.1.5.** Банк картасидаги маблағларнинг эркин (фаол) қолдиғи доирасида фойдаланиш;
 - 5.1.6.** Банк картаси йўқолганда, ўғирланганда ёки берухсат фойдаланилганлиги тўғрисида маълум бўлган барча ҳодисалар тўғрисида дарҳол банкка ёзма хабар бериш;
 - 5.1.7.** Идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар (шахсини тасдиқловчи ҳужжат, ундаги маълумотлар ва бошқалар) ўзгарганда ҳужжатлар нусхаларини 3 (уч) банк иш кунида банкка тақдим этилишини таъминлаш;
 - 5.1.8.** Пластик карта эгаси айби билан карта йўқотилганда/ўғирланганда ёки фойдаланишга яроқсиз аҳволга келганда, банкнинг амалдаги тарифига асосан жарима тўлаш;
 - 5.1.9.** Шартнома бекор қилинганда пластик картани шартноманинг 1.2-бандига асосан қайтариши ва БПКХдаги пул маблағининг қолдигини эса пластик карта эгаси ёзма аризага кўра ўзининг бошқа ҳисобварағига ўтказиши;
 - 5.1.10.** БПКХдаги пул маблағини бошқа банкнинг терминал, инфокиос ва банкматларидан банк картасининг электрон ҳамёнига ўтказмаслик;
 - 5.1.11.** Тўловни коммуникацион бекор қилиш зарурияти пайдо бўлган тақдирда пластик карта эгаси, ушбу ҳатоликни ҳал этиш юзасидан банкка мурожаат қилиши;
 - 5.1.12.** Маблағларни пластик карта эгасининг БПКХга қирим қилиш ёки чиқим қилиш хизматлари учун комиссиян тўловлари назарда тутилган бўлса, банкнинг амалдаги тарифига асосан тўлаш;
 - 5.1.13.** Пластик карта эгаси ва операциянинг бошқа иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи амалдаги (тақдим этилган санада ҳақиқий бўлган) ҳужжатларни тақдим этиш.

6. Пластик карта эгаси ҳуқуқлари

- 6.1. Пластик карта эгаси:**
 - 6.1.1.** БПКХни нақд ва нақдсиз маблағлар билан тўлдириш;
 - 6.1.2.** Банк картаси ёрдамида пул ўтказиш, товарлар ва хизматлар учун ўрнатилган терминаллар, банкматлар ва инфокиосклар орқали тўловларни амалга ошириш;
 - 6.1.3.** Банкдан банк картасидан фойдаланиш қондалари ҳамда банк картаси орқали амалга оширилган операциялар тўғрисида, банкнинг амалдаги тарифлари (улар ўзгарганда эса банкнинг эълонлар бурчагидан янги банк тарифлари) ҳақида тўлиқ ахборот олиш.
 - 6.1.4.** БПКХга ўтказилган маблағларнинг тўғрилигини текшириш;
 - 6.1.5.** Банкдан маблағларни БПКХга ўтказилишини 3.1.4-бандга асосан талаб қилиш;
 - 6.1.6.** Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

7. Томонлар жавобгарлиги

7.1. Банк картаси йўқотилганда пластик карта эгаси карта эмиссия қилган банкка ёзма равишда мурожаат этиши шарт. Банк ёзма аризага асосан банк картасини таъқиққа қўяди ва янги картани банкнинг амалдаги тарифига ҳамда шартноманинг 5.1.2-бандига асосан муомалага чиқаради;

7.2. Пластик карта эгаси шахсан БПКХдаги маблағларини банк картасининг электрон ҳамёнига ўтказган тақдирда, банк ушбу картадаги маблағларни сақланишига ҳамда картани тўғри ишлашига жавобгар эмас;

7.3. Мазкур шартнома 5.1.3., 5.1.4., 5.1.10-бандларининг талаби бузилган тақдирда банк ушбу картадаги маблағларни сакланишига ҳамда картани тўғри ишлашига жавобгар эмас;

7.4. Томонларнинг бири ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, мажбуриятни бажармаган томон Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва амалдаги бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

8. Шартномани бекор қилиш

8.1. Мазкур шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

- Томонларнинг бири шартнома бекор бўлишидан 1 (бир) ой олдин ёзма хабарнома юборган ҳолда;
- Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда.

8.2. Шартномани бекор қилиш томонларни аввал қабул қилган мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

9. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1. Мазкур шартнома уч йил муддатга тузилади ва амалдаги ушбу шартнома тугаш муддатидан 1 (бир) ой олдин томонлардан бири шартномани бекор қилиш нияти борлиги ҳақида ёзма хабар бермаса навбатдаги муддатга узайтирилади;

9.2. Шартнома бекор бўлганда томонлар 1 (бир) ойлик муддатда ўзаро ҳисоб-китобларни тўлиқ амалга ошириши шарт;

9.3. Мазкур шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради.

10. Форс-мажор

10.1. Шартнома имзоланганидан кейин содир бўлган форс-мажор (сув тошқини, ёнгин, зилзила ва табиий офатнинг бошқа кўринишлари, уруш, эпидемия ва бошқалар) ҳолатлар сабабли томонлар шартнома мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаган бўлса ва бу кучни томон мумкин бўлган усуллар ёрдамида олдини ололмаса, томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилинадилар.

11. Низоларни ҳал этиш

11.1. Томонлар ушбу шартнома юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган келишмовчилик ва низоларни ўзаро музокара ҳамда маслаҳатлар йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қиладилар;

11.2. Агарда кўрсатиб ўтилган келишмовчилик ва низолар музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан низолар судда ҳал этилади.

12. Бошқа шартлар

12.1. Банк картаси банк мулки ҳисобланади;

12.2. Ушбу шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиб, томонлар имзолари (муҳрлари) билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради ва ҳақиқий ҳисобланади (шартноманинг 4.1.3-банди бундан мустасно);

12.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган, у билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади;

12.4. Ушбу шартнома ҳар бир томонга тақдим этилиши учун икки нусхада тузилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга.

13. Томонларнинг манзиллари

ХАТБ «Туркистон»
100208, Ташкент шаҳри,
Учтепа тумани, Заргарлик 48А.
х/р 23120 0003 0000 1104 001
СТИР: 202521935, Банк коди 01104
Тел + (99871) 276-11-56, 113-44-05

Имзо _____

Юрист _____

Паспорт рақами № _____
берилган _____

Яшаш манзил: _____

тел. _____

СТИР _____

Шартнома ва банк тарифи бандлари билан танишдим.

Уларга розиман:

Имзо _____

ХАТБ «Туркистон»
Амалиёт бошқармаси бошлиғи
ўринбосари Турдибаев А.А.га

БПК ҳисобварағини очиш ва фойдаланиш бўйича АРИЗА

Кимдан: _____
(Ф.И.Ш. жисмоний шахс)

БПК беришингизни сўрайман
Паспортда Фамилияси ва исми қандай кўрсатилган бўлса (лотин ҳарфларида, БПКда ҳам шу кўринишда бўлади):

ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Туғилган санаси: _____ Фуқаролик: _____

Рўйхатдан ўтган манзили (паспорт бўйича): _____

Уй телефон рақами: _____ Шахсий телефон рақами: _____

ПАСПОРТ МАЪЛУМОТЛАРИ

Серияси ва рақами, ким томонидан ва қачон берилган: _____

ХИЗМАТ МАЪЛУМОТЛАРИ

Иш жой: _____

Сиз ишлайдиган корхона ёки ташкилотнинг номини тўлиқ кўрсатинг

Корхонанинг манзили: _____

Сиз ишлайдиган корхона ёки ташкилотнинг юридик манзилини кўрсатинг

Лавозим: _____ иш телефон рақами: _____

Лавозимингизни кўрсатинг

Қалит сўз: _____.

Ушбу аризамда кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлайман.

Банк аризада кўрсатилган барча маълумотларни текшириб қўришга ҳақли.

Банк тарифи ва БПКХ фойдаланиш қоидалари билан танишдим. Уларга розиман.

Карта эгаси имзоси:

сана: